



## ОДАМ САВДОСИ ЖИНОЯТЛАРИ БЎЙИЧА ИСБОТЛАНИШИ ЛОЗИМ БЎЛГАН ҲОЛАТЛАР

*Абдуллаева Саидабону Саъдуллаевна*

**Аннотация:** Мазкур мақолада одам савдоси жиноятларини тергов қилишда исботланиши лозим бўлган ҳолатлар таҳлил қилинган. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал қонунчилиги талаблари асосида жабрланувчи, жиноят ҳодисаси ҳамда жиноятга алоқадор шахсларга оид ҳолатларни аниқлашнинг ўзига хос жиҳатлари ёритилган. Шунингдек, жабрланувчиларни ёллаш, ташиш, эксплуатация қилиш усуллари, қалбаки ҳужжатлардан фойдаланиш, транзит йўналишлари ва жабрланувчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалалари таҳлил қилинган. Муаллиф одам савдоси жиноятларини самарали тергов қилиш учун далилларни ҳар томонлама тўплаш ва баҳолаш муҳим аҳамиятга эга эканлигини асослайди.

**Калит сўзлар:** одам савдоси, тергов, исботлаш, жабрланувчи, далиллар, жиноят-процессуал ҳуқуқ, эксплуатация, транзит, ёллаш, жиноят.

**Аннотация:** В статье исследуются обстоятельства, подлежащие доказыванию при расследовании преступлений, связанных с торговлей людьми. На основе требований уголовно-процессуального законодательства Республики Узбекистан рассматриваются особенности установления обстоятельств, связанных с потерпевшим, событием преступления и лицами, причастными к его совершению. Особое внимание уделяется выявлению способов вербовки, перевозки, эксплуатации потерпевших, использованию поддельных документов, транзитных маршрутов, а также вопросам обеспечения прав и безопасности жертв торговли людьми. Сделан вывод о необходимости



комплексного подхода к сбору и оценке доказательств для повышения эффективности расследования данной категории преступлений.

**Ключевые слова:** торговля людьми, расследование, доказывание, потерпевший, доказательства, уголовный процесс, эксплуатация, транзит, вербовка, уголовное судопроизводство.

**Abstract:** This article examines the circumstances that must be proven during the investigation of human trafficking crimes. Based on the criminal procedure legislation of the Republic of Uzbekistan, it analyzes the specific features of establishing facts related to victims, criminal events, and persons involved in the commission of the offense. Particular attention is paid to methods of recruitment, transportation, exploitation, the use of forged documents, transit routes, and the protection of victims' rights. The study concludes that a comprehensive approach to collecting and evaluating evidence is essential for improving the effectiveness of investigations into human trafficking crimes.

**Keywords:** human trafficking, investigation, evidence, victim, criminal procedure, exploitation, recruitment, transit, proof, criminal justice.

Жиноят иши бўйича айблов далолатномаси асосида судга юбориш ва айблов ҳукми чиқариш учун, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 82-моддаси талабларига кўра, «ишни айблов далолатномаси билан судга юбориш ва айблов ҳукми чиқариш учун қуйидагилар исботланган бўлиши керак:

- 1) жиноят объекти; жиноят туфайли етказилган зиённинг хусусияти ва миқдори, жабрланувчининг шахсини тавсифловчи ҳолатлар;
- 2) содир этилган жиноятнинг вақти, жойи, усули, шунингдек Жиноят кодексида кўрсатиб ўтилган бошқа ҳолатлари; қилмиш ва рўй берган ижтимоий хавфли оқибатлар ўртасидаги сабабий боғланиш;





- 3) жиноятнинг ушбу шахс томонидан содир этилганлиги;
- 4) жиноят тўғри ёки эгри қасд билан ёхуд бепарволик ёки ўз-ўзига ишониш оқибатида содир этилганлиги, жиноятнинг сабаблари ва мақсадлари;
- 5) айбланувчининг, судланувчининг шахсини тавсифловчи ҳолатлар».

Одам савдоси билан боғлиқ жиноятларнинг асосий қисмини уюшган жиноий гуруҳлар амалга оширади. Бундай жиноий гуруҳларда, қоида тариқасида, ҳар битта белгиланган вазифаларни бажарилиши белгилаб берилган шахслар мавжуд бўлади. Ҳар бир вазифа бажарувчи гуруҳ аъзоларининг қобилиятларидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

Жиноятлар ривожланиш босқичларининг шундай тартибда амалга оширилиши тергов жараёнида барча иштирокчиларнинг ҳаракатларини аниқлаш ва тегишли тартибда юридик баҳо бериш зарурлигини тақозо этади.

Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) Я.Абдулҳақовнинг фикрига кўра «Одам савдоси ҳақидаги жиноятлар аксарият ҳолларда уюшган жиноий гуруҳлар томонидан бир неча босқичларда такрор ва такрор содир этилишини, жабрланганларнинг сони кўплигини ва бу турдаги жиноятларни содир этишда ҳужжатларни қалбакилаштириш, сохта ҳужжатлардан фойдаланиш, чегарадан ўтиш қоидаларини бузиш билан бирга амалга оширилишини инобатга олган ҳолда, одам савдосига оид жиноят ишлари бўйича аниқланиши лозим бўлган ҳолатларни бир неча гуруҳларга бўлиб таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ. Бу турдаги ишлар бўйича аниқланиши лозим бўлган ҳолатларни қуйидагича таснифлаш мумкин:

- 1) жабрланувчи билан боғлиқ ҳолатлар;
- 2) жиноят ҳодисаси билан боғлиқ ҳолатлар;



3) жиноятга алоқадор шахслар билан боғлиқ ҳолатлар».<sup>1</sup>

*Биринчи гуруҳ бўйича тўхталадиган бўлсак, одам савдоси жиноятларида жабрланувчи марказий фигура ҳисобланиб, унинг шахсий ва ҳуқуқий ҳолати тергов жараёнида муҳим омил сифатида намоён бўлади. Бу тоифадаги ҳолатларни ўрганиш жабрланувчининг жиноятга қандай тарзда жалб этилгани, унга нисбатан қандай мажбурлаш ва зўравонлик усуллари қўллангани, жиноятнинг оқибатлари қандай акс этганини аниқлаш имконини беради. Хусусан:*

- Жабрланувчининг шахсини, ёшини, жинсини, ижтимоий ҳолатини ва фуқаролик мансублигини аниқлаш;
- Унга етказилган жисмоний, маънавий, моддий ва психологик зарар даражасини баҳолаш;
- Жабрланувчининг гувоҳлик беришга тайёрлиги ва уни ҳимоя қилиш зарурати;
- «Қачон, қаерда, қандай ҳолатларда, ким орқали уни ёллаган шахс билан танишган;
- Агар ёлловчилар оммавий ахборот воситалари ёки Интернет тармоғида эълон орқали чиқишган бўлса, у ҳолда қайси сайтда, қайси нашрда бундай эълон жойлаштирилгани, унинг мазмуни, қайси телефон рақами ва манзил кўрсатилгани, нашрнинг нусхаси унда сақланган-сақланмагани;
- Ёллаш жараёнида қанча киши иштирок этган, уларнинг телефон рақамлари, ҳар бири қандай ҳаракатлар қилган, бир-бирига қандай муносабат қилган, уларнинг исмлари, ташқи кўриниши, махсус

<sup>1</sup>АБДУЛҲАҚОВ Я.А. «Одам савдоси жиноятларини тергов қилишнинг хусусиятлари» ю.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертацияси. - Т., - 70 бет.



белгилар, тахминий ёш, миллат ва ирқи. Уларни таний оладими, агар шундай бўлса, қайси белгилари орқали;

- Ёллашда иштирок этган компаниянинг аниқ номи, юридик ва амалий манзили, иш телефони, ёллаш амалга оширилган жойнинг муҳити;
- Ёллаш жараёнида уни адаштириш ёки моддий, психологик ёки бошқа қарамлик ҳолатларини юзага келтиришга қаратилган тадбирлар қўлланилганми: қарздорлик, ҳужжатларни расмийлаштириб, келажакдаги даромади ҳисобидан йўл харажатларини тўлаш таклифи, шахсий дўстлик ёки муҳаббат муносабатларини сунъий равишда ташкил этиш, никоҳ таклифи, гиёҳванд моддаларга боғлиқлик, психотроп моддалар қўшилган ичимликлар;
- Ёллаш суҳбатида қайси усул ёки психологик таъсир воситалари ишлатилган: кўндириш, гипноз, таҳдид, шантаж;
- Ёлловчи билан ишга жойлашиш шартномаси тузилганми».<sup>2</sup>
- Жабрланувчини чет элга олиб чиқишга қандай тайёргарлик кўрилгани, унинг мазкур ҳаракатлар моҳиятини тушунган-тушунмаганлиги аниқланиши лозим. Бу орқали унинг жиноятга жалб этилишидаги иродавий омил ёки мажбурий ҳолатлар ўрганилади;
- Ҳужжатлар ва визалар ким томонидан ва қаерда расмийлаштирилгани;
- Жабрланувчи кузатувчи шахс билан бирга юрганми ёки мустақил ҳаракат қилганми;
- Жўнаб кетиш ва манзилга етиб бориш вақтини, шунингдек сафар йўналиши, авиачипталарни ким ва қачон расмийлаштиргани;
- Ўзбекистондан олиб чиқишда қайси турдаги ҳужжатлар ва транспорт воситаларидан фойдаланилгани;

<sup>2</sup>Торговля людьми: выявление, раскрытие, расследование / под редакцией кандидата юридических наук О.П. Левченко. - Владивосток, 2009. -71 стр.





- Бошқа мамлакат ҳудудига кириш вақтлари ва шу билан бирга қандай кирганлиги, қонуний ёки ноқонуний. Агарда қонунга ҳилоф бўладиган бўлса қандай ва қанақа тартибда амалга оширилгани;
- Жабрланувчи чет давлатда қасрда ва ким билан яшаши ҳақида қандай маълумотга эга бўлгани, ушбу маълумотнинг ҳақиқатга мос ёки мос эмаслиги, уни қандай шароитда сақлашгани ва у бу муҳитни аниқ тасвирлаб бера олиш ёки бера олмаслиги;
- Жабрланувчи биринчи навбатда жойлаштирилган манзил: қайси шаҳар, меҳмонхона ёки бошқа жойда жойлаштирилгани ва бу жойнинг ҳуқуқий мақоми;
- Жабрланувчига айбланувчи томонидан қандайдир маблағ олдиндан тўлангани, ёки жабрланувчи номига қарз миқдори юклатилганлиги ва уни тўлаш муддати мавжудлиги ёки йўқлиги, ва шартларни ким белгилагани.
- Жабрланувчи қанча муддатлар давомида фаолият юритиши, қандай вазифаларни бажариши ва қайси йўналишда ҳаракат қилиши зарурлиги ҳақида олдиндан хабардор қилинган-қилинмагани;
- Жабрланувчининг оила аъзолари ёки яқинларининг унинг чет элга чиқиши ва бажарилиши кутилаётган ишлардан хабардор бўлган ёки бўлмаганлиги;
- Жабрланувчи мамлакатдан чиқиб кетиш пайтида ёлғон ваъдалар таъсирида жинсий, жисмоний ёки руҳий зўравонликка дучор бўлган-бўлмагани, озодликдан ноқонуний маҳрум этилганлиги ва ушбу ҳаракатлар кимлар томонидан амалга оширилгани;
- Жабрланувчига нисбатан жинсий эксплуатациянинг ғайриоддий ва қонуний нормаларга зид шакллари қўлланилган ёки қўлланилмагани, бу ҳолат натижасида етказилган жисмоний ва маънавий зарар;



- Жабрланувчи ўз шахсий ҳужжатларини қандай шароитларда қўлга киритгани, ватанга қайтишида унга ким ёрдам бергани ва бу жараён қандай ташкил этилгани.
- Шу каби эксплуатацияга дучор бўлган бошқа шахсларнинг мавжудлиги, уларнинг шахсини аниқлаш имконияти: исм-шарифлари, манзили ва алоқа рақамлари;
- Ўзбекистон ёки чет эл фуқароси бўлган, ушбу жиноий фаолиятда бевосита ёки билвосита иштирок этган шахслар тўғрисидаги маълумотлар: уларнинг тўлиқ шахсий маълумотлари ва уларнинг ролини таснифлаш.

Одам савдоси жиноятларида жабрланувчининг шахсий ва ҳуқуқий ҳолатини атрофлича ўрганиш — тергов жараёнидаги энг муҳим босқичлардан биридир. Зеро, айнан ушбу ҳолатларни таҳлил қилиш орқали жиноятнинг бутун моҳияти, унинг тайёргарлик босқичидан тортиб, амалга оширилиши ва оқибатларигача бўлган барча жараёнларини ёритиш имкони пайдо бўлади. Жабрланувчининг қандай йўллар билан чет давлатга олиб чиқилгани, қандай шароитларда сақлангани, унга нисбатан қандай зўравонликлар содир этилгани, моддий ва маънавий зарар етказилгани ҳамда унинг эркинлиги чекланганлиги ҳақидаги аниқ маълумотлар жиноятга ҳуқуқий баҳо беришда муҳим ўрин тутди.

*Одам савдоси соҳасида етакчи тадқиқотчи бўлган Кевин Бэйлснинг фикрига кўра, «Жабрланувчини фақат айбловни исботлаш воситаси сифатида эмас, балки инсон ҳуқуқлари заифлашган шахс сифатида кўриш муҳимдир. Бунда унинг ҳимояси ва психологик, ҳуқуқий ёрдам кўрсатилиши назарда тутилган»<sup>3</sup>. Шу боис, одам савдоси бўйича жиноят ишларини тергов қилишда жабрланувчининг ҳолатига комплекс ёндашув зарур*

<sup>3</sup>Bales, Kevin. Understanding Global Slavery: A Reader. University of California Press, 2005. <https://www.ucpress.edu/book/9780520245075/understanding-global-slavery>





бўлиб, унинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, шахсий хавфсизлигини таъминлаш ва келгусида бундай ҳолатларга йўл қўймасликка қаратилган чора-тадбирлар ишлаб чиқиш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

*Жиноятнинг содир этилган ҳодисасига доир ҳолатлар.* Тергов жараёнида жиноятнинг тўғридан-тўғри содир этилган ҳолатларини аниқлаш — унинг моҳияти, таркибий қисмлари, содир этиш усулларини ва транзит давлатларни аниқлаш талаб қилади. Одам савдоси жиноятларини аниқлаш ва тергов қилишдаги асосий қийинчиликларидан бири шундаки, ҳаракатларнинг бир қисми — ёллаш амалга ошган ҳудудда, бир қисми — транзит давлати ҳудудида, бошқа қисми эса хорижий давлат ҳудудида содир этилади<sup>4</sup>. Одам савдоси контекстида транзит давлатлар фуқароларни истёъмолчи мамлакатларга (яъни, эксплуатация амалга ошириладиган давлатларга) етказишда “кўприк” вазифасини бажаради. Транзит давлат — бу одамларнинг бир мамлакатдан иккинчисига кўчиши жараёнида вақтинча ўтиб турадиган давлат ҳисобланади<sup>5</sup>.

Транзит давлатлар турли жиҳатларига қараб турларга ажратилади:

*Географик транзит давлатлар* — жойлашуви жиҳатидан муҳими, яъни қуруқликда ёки денгиз орқали йўлда жойлашган, халқаро миграция йўлларида мавқеи бор давлатлар. Масалан, Ўзбекистон Афғонистон, Тожикистон ва Қозғистон орқали Россия ёки Европа томон йўналишда транзит давлат сифатида қатнашиши мумкин.

*Функционал транзит давлатлар* — одам савдогарлари томонидан қонунчилик, чегара назорати ёки ҳуқуқни муҳофаза қилиш тизимларидаги бўшлиқлардан фойдаланиш мақсадида танланган давлатлар. Бу давлатларда одамлар вақтинча тўхтатилиб, сохта ҳужжатлар тайёрланади,

<sup>4</sup>Карпец И.И. Преступления международного характера. — М., 1999. — 170 с.

<sup>5</sup>UNODC (2020) Global Report on Trafficking in Persons. <https://www.unodc.org/unodc/en/data-and-analysis/glotip.html>





улар психологик ёки жисмоний жиҳатдан “тайёрланади”, кейин эксплуатация қилинадиган давлатга юборилади.

*Иккинчи даражали транзит давлатлар* — одамлар бошқа транзит давлат орқали бу давлатга келиб, кейин яна бошқа давлатга жўнатилади. Бу тизимда давлат “ёпиқ давра” қисмига айланади ва халқаро мафия тармоқлари учун қулай шарт-шароит туғилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, кўрилаётган чора-тадбирларга қарамасдан, дунёда одам савдоси кенг миқёсда сақланиб қолмоқда. Жаҳон ҳамжамияти томонидан олиб борилаётган ҳукукий, ташкилий ва профилактик чораларга қарамай, ҳанузгача 127 мамлакатда одам савдоси ҳолатлари кузатилмоқда, 98 давлат эса транзит ҳудуд сифатида қайд этилган. Бу рақамлар 2019 йилда Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган «Одам савдосига қарши курашишда судларнинг ўрни»<sup>6</sup> мавзусидаги халқаро конференцияда эълон қилинган бўлиб, мазкур муаммонинг жаҳон миқёсидаги жиддийлигини яна бир бор намоён этади. Юқоридагилардан келиб чиқиб, жиноятнинг содир этилган ҳодисасига доир ҳолатлар бу:

- Жиноятнинг содир этилган жойи, вақти ва давомийлиги;
- Жиноятнинг амалга оширилишида қўлланилган усул ва воситалар: фирибгарлик, таҳдид, зўравонлик, иш ва таълим ниқобида алдаш ва ҳ.к.;
- Қалбаки ҳужжатлардан фойдаланиш, визалар ва паспортлар билан боғлиқ сохтакорлик ҳолатлари;
- Чегарадан ноқонуний ўтказиш, транспортировка, вақтинча сақлаш ва эксплуатация қилиш босқичларининг бор-йўқлиги;
- Транзит давлат ёки давлатлар қайси бўлганлиги;

<sup>6</sup><https://old.sud.uz/13-12-2019-222-22/>



- Транзит давлатга кириш махфий ёки очик характерда бўлганлиги: сана, жойи, вақти ва у давлатда сақланган муддатлари;
- Агар транзит давлатга махфий усулда кирилган бўлса, қандай усулда амалга оширилганлиги ва ишлатилган ҳужжатлар;
- Транзит давлатда жабрланувчини жинсий эксплуатацияга мажбурланганлиги, агар мажбурланган бўлса, сана, жой ва вақтлари;
- Транзит қачон тугаганлиги, чиқиш санаси ва воситалари;
- Транзит жараёнидан иштирок этган шахслар ва улар тўғрисида маълумотлар;
- Жабрланувчилар транзит мамлакатлар орқали ишлаш жойига олиб борилганида, уларнинг қайси мамлакатлардан ўтгани, сақланиш шароити ва ҳужжатларнинг қонунийлиги ҳамда бу жараёнда уларга қандай зўравонлик қўлланилганлиги;
- Жабрланувчидан қайси турдаги эксплуатацияни бажаришга мажбур қилишгани ва бу тўғрисида жабрланувчи олдиндан билган ёки билмаганлиги;
- Электрон воситалар, интернет ва ижтимоий тармоқлардан фойдаланиш ҳолатлари;
- Жабрланувчини қочишига ёрдам берилганлиги ёки уни ўзи қочганлиги.

Жиноятнинг содир этилган ҳодисасига доир ҳолатлар тергов жараёнида жиноятнинг тўғридан-тўғри хулқларини аниқлашга имкон беради. Бу жараёнда, жиноятнинг моҳияти, усуллари ва таркибий қисмлари аниқланиши билан бирга, жабрланувчининг қандай шароитда содир этилганини, қандай воситалар ва усуллар қўлланилганини аниқлаш жуда муҳим. Бундай ҳолатлар жиноятнинг содир этилиш жараёнини қайта тиклаш, уни криминалистик таҳлил қилиш ва мукамал далиллар базасини







шакллантиришда ва мукаммал тергов олиб боришда муҳим ва долзарб ахборот манбаи бўлиб хизмат қилади.

*Жиноятга алоқадор шахслар билан боғлиқ ҳолатлар* — Одам савдоси жиноятлари кўп ҳолларда уюшган жиноий гуруҳлар томонидан амалга оширилади. Шунинг учун тергов жараёнида жиноятга алоқадор шахсларни аниқлаш, уларнинг роллари ва ўзаро муносабатларини белгилаш устувор вазифалардан бири ҳисобланади:

- Жиноятчиларнинг шахсини, уларнинг ижтимоий мақомини, илгариги судланганлик ҳолатини аниқлаш;
- Гуруҳнинг тузилиши, иерархияси, вазифалар тақсимооти, молиявий ва техник имкониятлари;
- Гуруҳ аъзоларининг жиноятда айнан қайси қисмларида иштирок этганликлари;
- Гуруҳ аъзоларининг жиноятни ташкил қилиш ва амалга оширишдаги функциялари;
- Жабрланувчиларни давлат чегарасидан олиб ўтишда қандай усуллар ва воситалардан фойдаланишлари, ким бунга талаб жўнатган ва у шахс ҳақидаги тўлиқ маълумотлар;
- Жабрланувчиларни олиб бориладиган манзили ва уларни қабул қилиб олувчилар;
- Олинган пул суммаси кимлар ўртасида қанақа тартибда тақсимланиши;
- Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жабрланувчилар топиш ва улар билан боғлиқ шахслар ҳақида маълумотлар;
- Молиявий харажатларнинг таъминланиши ким томонидан ва қандай тартибда амалга оширилгани;



- Коррупцион aloqalar, himoyalangan shaxslar bilan bogliqlik holatlari;

Одам savdosi bilan bogliq jinoyat ishlarining muhim xususiyatlaridan biri shundaki, tergovga tushkinlik qiluvchi subyektlar faqatgina jinoyat sodir etgan shaxslar emas, balki odam savdosidan jabrlanganlarning uzlari ham bulishi mumkin<sup>7</sup>.

Бундай tushkinlik turli shakllarda namoen bulishi mumkin — jinoyat izlarini yashirish eki yuq qiliش buyicha faol harakatlardan tortib, ariza bermaslik, odam savdogarlariga qarshi kursatma bеришдан бош tortish eki бошқа tergov harakatlарида ҳамда тезкор-қидирув тадбирларида иштирок этишдан бахоналар билан бош tortishgacha.

Жабрланувчи томонидан tergovga tushkinlik qiliшga олиб келувчи шарт-шароитларни тахлил қилиш, odam savdosidan jabrlanganlarni shunday harakatlarga undatgan quyidagi uziga хос сабабларни аниқлаш имконини беради:

- Жабрланувчининг shaxni va кадр-қимматини камситувчи маълумотларни, жумладан эксплуатация давомида амалга оширган фаолиятини ошкор қилишни хохламаслиги. Бу, айниқса, foxishalik bilan shugullangan shaxslarga taalluqli;
- Одам savdogarlari томонидан интиқом олишдан курқиш;
- Такдирга тан бериб яшаш, mavjud tashqi шарт-шароитларга kunikkan ҳолда, atrofdagi voqelikka nisbatan befarqlik;
- Huquqni muhofaza qiluvchi organlar bilan hamkorlik qiliш goyasiga tugri kelmaydigan haetiy qarashlar;
- Одам savdogarlariga nisbatan murosali munosabat;

<sup>7</sup>Торговля людьми: выявление, раскрытие, расследование / под редакцией кандидата юридических наук О.П. Левченко. — Владивосток, 2009. — 74 стр.





- Айрим психологик омиллар таъсири, жумладан бошдан кечирилган воқеаларни эслаш орқали салбий хотираларни қайта жонлантиришни хоҳламаслик;
- Одам савдогарлари томонидан содир этишга мажбур қилинган қонунбузарликлар, жумладан жиноятлар ҳақида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлардан яшириш истаги. Бундай ҳуқуқбузарликлар қуйидагилар бўлиши мумкин: давлат чегарасини ноқонуний кесиб ўтиш, қалбаки ҳужжатлардан фойдаланиш, фоҳишалик билан шуғулланиш, наркотик моддаларни сақлаш (истеъмол қилиш), қабул қилувчи мамлакат миграция қонунчилиги ёки ундаги яшаш тартибини бузиш.

Масалан, жабрланувчи Е.нинг кўрсатмаларида Х. уни бир неча марта кўрқитгани, агар у милицияга мурожаат қилса, бу ҳақда албатта билиб қўяди, чунки «унинг милицияда ҳаммаси сотиб олинган» деб таҳдид қилгани айтилган. Е. ўзини жабрланувчи сифатида милицияга олиб келинганидан сўнг, Х.ни ҳимоя қилишга уринган ва тушунтиришида ўзи ва бошқа қизлар фоҳишалик билан сутенёр ёрдамисиз, ўз хоҳиши билан шуғулланганини кўрсатган<sup>8</sup>.

Гувоҳ Л.нинг кўрсатмаларига кўра, у билан бирга эксплуатация қилинган Т. ва С. Химки шаҳри милициясига мурожаат қилганидан хабар топган. Бироқ айбланувчи Б. улар билан боғлиқ муаммоларни «ҳал қилган» ва шу сабабли Л. унга нисбатан содир этилган жиноятлар ҳақида милицияга мурожаат қилмаган, чунки бу воқеадан сўнг у милиция ходимларига нисбатан ишончи йўқолган<sup>9</sup>.

<sup>8</sup>См. архив Уссурийского городского суда Приморского края.

<sup>9</sup>См. архив Химкинского городского суда Московской области.



Жиноятчилар томонидан терговга қарши қаратилган ҳаракатлар ва уларга қарши кураш чоралари, ушбу тоифадаги маълумотлар жиноятни фoш этиш, иштирокчиларни аниқлаш ва уларга нисбатан адолатли жазо тайинлашда ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир. Бу жараёнда жиноятчи шахсларнинг ижтимоий мақоми, илгариги судланганлик ҳолатлари ва уларнинг аниқ ролларини билиш, уларнинг жиноятларга жалб қилинишидаги механизмларни тушуниш зарур.

Биринчидан, жиноятга алоқадор шахсларнинг шахсини аниқлаш, уларнинг ижтимоий мақомини ва жиноятларга нисбатан муносабатларини ўрганиш терговни самарали олиб боришга ёрдам беради. Шунингдек, уюшган жиноий гуруҳнинг тузилиши, аъзоларининг ўзаро вазифалар тақсимои, молиявий ва техник имкониятлари, уларнинг жиноятларни ташкил қилишдаги функциялари аниқланиши керак. Бу, ўз навбатида, гуруҳ аъзолари орасидаги муносабатларни ва жиноятнинг ривожланишини тушунишга ёрдам беради.

Иккинчидан, жабрланувчиларнинг жиноятчилар томонидан олиб ўтилишида фойдаланилган усуллар ва воситаларни аниқлаш тергов учун жуда муҳим. Махсус жиҳозлар, ташкилий механизмлар ва манзиллар ҳақида тўлиқ маълумотлар тергов жараёнини тезлаштиради ва жиноятни аниқлашга ёрдам беради. Бу ерда жиноятчиларнинг жабрланувчиларни топшириш ва уларга нисбатан қўлланиладиган молиявий операцияларнинг тартибини аниқлаш, ҳар бир иштирокчининг ролини белгилашда аҳамиятлидир.

Шунингдек, жиноятга алоқадор шахслар ўртасидаги молиявий муносабатларни тушуниш, уларнинг олиб борган харажатлари ва маблағларнинг қайси шахслар ўртасида тақсимланишини аниқлаш терговда муҳим маълумот ҳисобланади. Бу омиллар, ўз навбатида,





жиноятнинг молиявий структурасини аниқлашга ва унга нисбатан ҳуқуқий чоралар кўришга ёрдам беради.

Қўшимча қилиб айтадиган бўлсак, жиноятчиларнинг терговга қарши қаратилган ҳаракатларини ва уларга қарши курашиш чораларини ҳам аниқлаш, тергов органларига уларни самарали тўсиб қўйиш ва жиноятни фош этишда кўмаклашади. Коррупцион алоқалар, ҳимояланган шахслар билан боғлиқлик ҳолатлари ва трансмиллий ташкилотлар билан бўлган алоқалар ҳам жиноятнинг кенг кўламдаги табиати ва уни аниқлашдаги муаммоларни эслатиб ўтган ҳолда, уларга қарши курашишдаги стратегияларни ишлаб чиқишга ёрдам беради.

Шунингдек, жиноятчилар томонидан амалга ошириладиган чоралар терговни ишончли ва самарали олиб боришда катта аҳамиятга эга. Жиноятчиларнинг шахсини, уларнинг айна мақсаддаги ҳаракатларини ва қўлланилган усулларни аниқлаш тергов органларига уларни фош этиш ва жазолашда муваффақиятга эришиш имконини беради.

Шунинг учун, жиноятга алоқадор шахслар ва уларнинг алоқаларига тўлиқ ва аниқ таҳлиллар ўтказиш, одам савдоси каби жиноятларнинг олдини олиш ва уларга қарши курашишда муҳим аҳамиятга эга.

### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР**

1. АБДУЛҲАҚОВ Я.А. «Одам савдоси жиноятларини тергов қилишнинг хусусиятлари» ю.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертацияси.

<https://api.ziyounet.uz/uploads/books/634149/5cac67f5f1cb5.pdf>

2. Торговля людьми: выявление, раскрытие, расследование / под редакцией кандидата юридических наук О.П. Левченко. - Владивосток,





2009.

<https://russia.iom.int/sites/g/files/tmzbd11036/files/documents/vladivostok.pdf>

3. Bales, Kevin. Understanding Global Slavery: A Reader. University of California Press, 2005.  
<https://www.ucpress.edu/book/9780520245075/understanding-global-slavery>.
4. Карпец И. И. Преступления международного характера. - М., 1999.
5. UNODC (2020) Global Report on Trafficking in Persons.  
<https://www.unodc.org/unodc/en/data-and-analysis/glotip.html>
6. <https://old.sud.uz/13-12-2019-222-22/>
7. Архив Уссурийского городского суда Приморского края
8. Архив Химкинского городского суда Московской области